

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил сентябрь ойининг 26 куни Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Мирзажонов,

ҳайъат судьялари: У.Солиев ва Ф.Собировдан иборат таркибда, С.Хасановнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Муратов, судланган [REDACTED] нинг ҳимоячиси Г.Иномова, жабрланувчи А.Абдуқаххоров, М.Ахмаджонов, С.Тешабоевларнинг иштирокида, судланган [REDACTED] га оид жиноят ишини судланганнинг тафтиш тартибида шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2021 йил 29 январдаги ҳукмига кўра:

1989 йил 29 июнда Асака туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2021 йил 29 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2022 йил 7 октябрдаги ажримига асосан ўталмаган 3 йил 3 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддаси тартибида шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган;

2. жиноят ишлари Қибрай туман судининг 2023 йил 6 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 241-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3. жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2024 йил 2 февралдаги ҳукмига кўра ЖК



168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 1 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Асака тумани, Қадим МФЙ, Қуйи Қадим кўчасида яшаган, эҳтиёт чораси қамокқа олиш қўлланилган [REDACTED] га

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жабрланувчи С.Тешабоевнинг фойдасига 23.000.000 сўм, М.Ахмаджоновнинг фойдасига 21.000.000 сўм, А.Абдуқаххоровнинг фойдасига 38.950.000 сўм ундириш белгиланган.

Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 30 мартдаги ажримига кўра суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган [REDACTED] 2020 йил 20 июнь куни М.Ахмаджоновнинг ишончига кириб, 3 бош қора молларини пулларини 10 кунда бериш шarti билан 21.000.000 сўмга сотиб олиб, қора молларни;

бундан ташқари, [REDACTED] 2020 йил 22 июнь куни А.Абдуқаххоровнинг ишончига кириб, 3 бош қора молларини пулларини 5 кунда бериш шarti билан 39.000.000 сўмга сотиб олиб, қора молларни;

бундан ташқари, [REDACTED] 2020 йил 15 июль куни С.Тешабоевнинг ишончига кириб, 3 бош қора молларини пулларини 1 кунда бериш шarti билан 37.000.000 сўмга сотиб олиб, қора молларни бошқа шахсга сотиб юбориб, С.Тешабоевни 37.000.000 сўмлик мулкани такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Судланувчи [REDACTED] нинг тафтиш шикоятда, жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қоплагани, 2021 йил 29 январдан 2022 йил 7 октябрга қадарли озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганлигини инобатга олишни, қамокда ўтирган 1 йил 8 ой 8 кун ташкил этишини, ҳар бир қамокда ўтирган кунини ЖКнинг 62-моддаси тартибида 3 кунга тенглаштириб, жазодан озод қилишни сўраган.

Тафтиш инстанцияси суди, иш бўйича вилоят суди судьяси Ф.Собировнинг маърузасини, прокурор Ш.Муратовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Г.Иномова судланувчини шикоятини қаноатлантириш, жабрланувчиларнинг шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш тартибидаги шикоятда келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Жабрланувчи А.Абдуқаххоров тафтиш инстанция судида, судланган [REDACTED] томонидан етказилган зарарлар қопланмагани, [REDACTED] жияни деб ўзини таништирган шахс зарарларни қоплаб беришини, [REDACTED] қамокда қийналаётгани, шунга кўра, зарарлар қоплаб берилгани ҳақида ариза



ёзиб беришни илтимос қилгани сабабли ариза ёзиб бергани, [REDACTED] ва унинг жияни деб таништирган шахс томонидан зарарлар ҳозирга қадарли қоплаб берилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи М.Ахмаджонов ва С.Тешабоевлар ҳам А.Абдуқаххоровни кўрсатувини тасдиқлаб, шу мазмундаги кўрсатувлар берди.

Судлар иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи А.Абдуқаххоров, М.Ахмаджонов ва С.Тешабоевларнинг кўрсатувлари, аризалар, тилхатлар, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Судлов ҳайъати судланувчи [REDACTED] шикоятдаги зарарлар қопланганлиги ҳақидаги важлари жабрланувчиларнинг судда берган кўрсатувлари ва аризалари билан рад қилиниб, ушбу важлари билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судлар қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланган [REDACTED] жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмаган ҳолда, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган доирада асосли ва қонуний жазо тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасига мувофиқ, тафтиш инстанцияси, биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантirmасдан қолдиришга ҳақлидир.

Қайд этилганларга кўра, тафтиш инстанцияси суди, [REDACTED] нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 515, 521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



█ га нисбатан чиқарилган Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 30 мартдаги ажрими ва жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2021 йил 29 январдаги ҳукми ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Тафтиш инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Н.Мирзажонов

Ҳайъат судьялари:

У.Солиев

Ф.Собиров



Раислик қилувчи: \имзо\
Ҳайъат судьялари: \имзолар\

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси:

Ф.Собиров

